Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши.
5 ИЮНЬ 1967 й.
ДУШАНБА
№ 129 (283).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИНОКОРЛАРГА МУКОФОТ

«Главташкентстрой» га қарашли 6-қурилиш трестининг азамат коллективи янги Тошкентни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Мазкур трестга қарашли барча қурилиш бошқармалари планни доимо ортиғи билан адо этадилар.

Куни кеча шу трестнинг 33-қурилиш бошқармаси қўли гул бунёдкорлари катта ғалабага эришдилар. Уларнинг шижоатли меҳнати туфайли йил бошидан буён 6 минг 360 квадрат метр турар-жой майдони қуриб битказилди.

Бундай ютуқни қўлга киритишда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, механизмлардан оқилона фойдаланиш асосий омил бўлди.

Бошқармадаги жуда кўплаб бригадалар юбилей олди социалистик мусобақасини кучайтириб, аккорд пул мукофоти бўйича меҳнат қилмоқдалар ва юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Мурару. Арутюнян бошчилик қилаётган бригадалар ишлаб чиқариш топшириғини 200 процентдан ортиқ бажаришди. Бунда бригада аъзолари қурилишга кетадиган иш вақтини 45 процентга камайтиришга муваффақ бўлдилар. Фақат ўтган икки ой ичида қурувчиларга 3 минг сўмдан зиёд пул мукофоти берилди.

Ҳ. СУЛТОНОВ.

ЯНГИ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

Яна бир неча кундан кейин Тошкент пиллакашлик фабрикасига машиналар карвони келади. Фабрикага Тошкент ва Андижон областларининг пиллакашлари ўз ҳосилларини юборадилар.

Бугун фабрикада янги ҳосилни қабул қилиш ва уни қайта ишлаш учун сўнгги тайёргарликлар кўрилди.

Фабрика коллективи бу йил 200 тонна пиллани қайта ишлаб бериш мажбуриятини олган.

Қардош Литва бинокорлари Чилонзорнинг Дўстлик микрорайонида 280 ўринли болалар боғчаси ҳамда 100 квартирали уйни жадал суръатлар билан қураётирлар.

Суратда: литвалик илғор бинокорларидан бульдозерчи Костас Буннис ва пардозчи Дошчарас Освальдас. Улар мунтазам равишда ойлик топшириқларини бир ярим баравар адо этаётирлар.

М. Нуриддинов фотолари.

Н. В. ПОДГОРНИЙ ТОШКЕНТДА

Афғонистонга қилган расмий визитини тугаллаб, Кобулдан қайтиб келаётган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 3 июнда Тошкентга келди.

Н. В. Подгорний ва Афғонистон сафарида унга ҳамроҳлик қилган кишиларни Тошкент аэропортида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари кутиб олдилар.

Н. В. Подгорний Ўзбекистон пойтахти бўйлаб сайр қилиб, Тошкентни реконструкция қилиш ва қуриш қандай бораётганлиги билан танишди.

(ЎзТАГ).

ТЎЁНА ТАЙЁР

В3-65-57 ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ. Тошкент трактор йиғув заводи партия бюросининг секретари Леонид Владимирович Арко редакциямизга хушхабар билдирди.

Юбилей йилининг бошларида ишлаб чиқарилган юз мингинчи тракторни завод музейига қўйган коллектив яна бир ютуқни қўлга киритди. Коллективимиз Улуғ Октябрнинг 50 йиллик юбилейига атаб планга қўшимча 100 та трактор ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эди. Ҳозир корхонада пландан ташқари 99 та трактор ишлаб чиқарилди. Яна битта трактор йиғилиши билан юбилейга атаган тўёна тайёр бўлади.

Ўртоқ Л. Коренсвит бошлиқ механика-йиғув цехи ҳамда коммунист Х. Курмашев раҳбарлик қилаётган асбобсозлик цех ва Г. Филяев бошлиқ цех корхонанинг илғор цехлари ҳисобланади. Цех ишчилари Октябрь вахтасида туриб самарали меҳнат унумдорлигини кун сайин оширмоқдалар.

Коммунистик меҳнат зарбдори коммунист Шохайдар Шоисломов пойтахтимиздаги асбобсозлик заводининг асбобсозлик цехида 15 йилдан буён слесарь бўлиб ишлайди. У йиллик топшириғини ўн ойда бажариш учун аҳд қилганлардан бири.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ АҚШ ҲУКУМАТИГА НОРОЗИЛИГИ

Шу йил 2 июнда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Ж. Гатрига қуйидаги мазмундаги нотани топширди:

«Совет ҳукумати Америка Қўшма Штатлари ҳукуматига қуйидагиларни айтишни зарур деб ҳисоблайди.

2 июнда Москва вақти билан соат 11 дан 40 минут ўтганда Америка самолётлари Хайфондан 50 миля шимолдаги Камфа порти рейдида турган «Туркистон» деган совет теплоходини бомбардимон қилдилар. Экипажнинг икки аъзоси оғир ярадор бўлди. Кемага шикаст етказилди.

Америка авиациясининг совет савдо кемасига қилган бу ҳужуми кема қатнови эркинлигини сира йўл қўйиб бўлмайдиган даражада бузиш, босқинчилик ҳаракатидан иборатдирки, унинг оқибати яхшиликка олиб бормайди.

Совет ҳукумати Америка Қуролли кучларининг бу қароқчиларча иғвогарлик ҳаракатлари учун батамом жавобгар бўлган АҚШ ҳукуматига қатъий норозилик билдиради.

Совет ҳукумати, биринчидан, совет кемасига ҳужум қилишда айбдор бўлганларнинг қаттиқ жазоланишини талаб қилади, иккинчидан, совет кемаларига нисбатан бундай хатти-ҳаракатлар такрорланмайди, деб ишонтирилишини кутади.

СССР ҳукумати билдирадики, АҚШ қуролли кучлари томонидан бундай ҳаракатлар яна такрорланадиган бўлса, Совет Иттифоқи совет кемаларининг хавфсизлигини таъминлаш учун тегишли чоралар кўришга мажбур бўлади».

Муваққат ишлар вакили нотани дарҳол ўз ҳукуматига топширажагини айтди.

БОЛГАРИЯДАГИ ТАНТАНАЛАРГА

Қардош болгар диёрида катта тайёргарлик кўрилмоқда. Улар яна бир неча кундан кейин советлар диёрининг адабиёт ва санъат аҳлларини кутиб оладилар.

Болгария шаҳар ва қишлоқларида СССР маданияти декадаси ўтказилади. Улуғ Октябрь революциясининг 50 йиллик юбилейига бағишланган бу декада ютуқларимиз намойишига айланади.

Декадада ўтказиладиган совет фильмлари кинофестивалида ўзбек киночилари ҳам қатнашадилар.

Бугун декада қатнашчилари — «Ўзбекфильм» киностудиясининг кинорежиссёри, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Йўлдош Аъзамов, СССР халқ артисти Наби Раҳимов Москвага жўнаб кетдилар.

Й. Аъзамов мухбиримизга бундай деди:

— Биз, ўзбек санъаткорлари Болгарияга йўл олаётганлигимиздан беҳад хурсандмиз. Фестивалда ўзбек киносининг энг яхши намуналари ҳам кўрсатилади. Биз фестиваль учрашувлари да яратаётган фильмларимиз, келгусидаги ижодий режаларимиз ҳақида гапириб берамиз.

Тошкентнинг эртанги жамоли

ЎСАЁТГАН ВА ЯШНАЁТГАН ПОЙТАХТИМИЗ

ТОШКЕНТ йигирма асрдан буён ер юзида қад кўтариб турибди. Ўзининг кўп асрли тарихида бу шаҳар ғоят узоқ ва оғир йўлларни босиб ўтди. Тошкент қадимги Самарқанд ва Бухоро сингари шоҳона шаҳар ҳисобланмаса ҳам, лекин Ўрта Осиё халқларининг ер юзидаги бошқа халқлар билан савдо алоқаларини мустаҳкамловчи марказлардан бири бўлиб келди.

1865 йилга келиб, Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан сўнг, Тошкент Туркистон генерал губернаторлигининг пойтахти бўлиб қолди. Лекин подшо амалдорлари Тошкентнинг ободончилиги тўғрисида деярлик ғамхўрлик қилмадилар. У вақтларда Тошкент энг чеккадаги ташландиқ шаҳарча ҳисобланар эди. Ва деярлик 1917 йилгача, Нева қирғоқларидан Октябрь шабодалари келтирган Улуғ ғалаба кунига қадарли шаҳар ана шундай аҳволича қолди.

Тошкентнинг қиёфаси Совет ҳокимияти йилларида таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Тошкент Совет Иттифоқининг энг йирик саноат ва маданият марказларидан бирига айланди. Эндиликда Тошкент тобора ўсмоқда, кун сайин ободонлашмоқда, чиройи очилмоқда.

Яқинда СССР Министрлар Совети Тошкентнинг асосий Бош планини кўриб чиқди ва тасдиқлади. Архитекторлар, қурувчилар, олимлар, партия ва совет ходимлари бу планни тузишда ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Бош планга биноан Тошкентнинг ривожланиши республика ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан, саноатнинг ўсиши билан, шу билан бир қаторда аҳоли сонининг ўсиши билан узвий боғлиқдир. **Аҳоли сони 1 миллион 400 минг киши бўлиши кўзда тутилади.** Ана шунда Тошкент яшаш учун қулай социалистик шаҳарлардан бири бўлиб қолади.

Тошкентда 9 балли зилзила ҳам қўрқинчли бўлмаган уйлар ва жамоат бинолари қурилади. Шаҳарни кўкаламзорлаштириш, сув билан таъминлаш ва ободонлаштириш юзасидан ғоят катта тадбирлар белгиланмоқда. Бош планда транспорт магистраллари системасини жиддий равишда яхшилаш ва янада ривожлантириш, янги турар жой массивлари шунингдек саноат районлари ва шаҳар маркази ўртасида қулай транспорт алоқаларини, транспорт воситаларининг тўхтовсиз ҳаракатини таъминловчи янги йўллар қуриш кўзда тутилган.

Бош план кўп йилларга мўлжалланиб тузилгандир. Биз ишонамизки, янги Тошкентни бунёд этишда архитекторлар ва қурувчиларгина эмас, балки шаҳарнинг бутун аҳолиси иштирок этади. Ахир, биз тошкентликлар, ўз шаҳримизни севамиз ва унинг гўзал шаҳарга айлантириш учун қўлимиздан келган ҳамма ишларни қилмоқдамиз. Шаҳримизнинг янада кўкаламзор ва обод шаҳарга айланишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Яқин кунларда Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлади. Пленум Тошкентни ривожланиш бош планини ва шаҳар партия ташкилотининг вазифалари масаласини махсус муҳокама қилади.

Бугун биз газетамизда яқин йиллар ичида пойтахтимизнинг истиқболи тўғрисида ҳикоя қилувчи материалларни боса бошлаймиз. Тошкентни социалистик қайта қуриш улкан планини амалга оширишда келиб чиқадиган проблемалар тўғрисида гаплашамиз.

БУ МУНОЗАРАДА ҲАММА ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗНИ ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

ТОШКЕНТ ИСТИҚБОЛИ
1980 йил

Шаҳарни ривожлантиришнинг бош плани:

ПРОБЛЕМА ВА ТАКЛИФЛАР

Саноат

● САНОАТ ВА АҲОЛИНИНГ ЎСИШИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЭНГ МУҲИМ ПРОБЛЕМАЛАРДАН БИРИДИР. ● ТОШКЕНТНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШДА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ КЕРАК. ● КЎПЧИЛИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ШАҲАРДАН ЧЕТДА ҚУРИЛАДИ. ● ЕНГИЛ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИГА — КАТТА ЙЎЛ. ● САНОАТ ТАРАҚҚИЁТИ ИСТИҚБОЛИНИНГ ТЕХНИКА-ИҚТИСОДИЙ СХЕМАСИ. ● АҲОЛИ СОНИНИНГ БИР ТЕКИСДА ЎСИШ ТАДБИРЛАРИ. ● ТОШКЕНТ УЧУН ҚУЛАЙ САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА ШАРОИТЛАРИ.

ТОШКЕНТ СОЛНОМАСИДАН

● Тошкентнинг Россияга қўшилиши даврига келиб (1865 йил) шаҳарда 180 минг аҳоли бўлган эди, 1917 йилга келиб, 280 минг кишига етди.

● Ҳозирги вақтда шаҳарда 1 миллион 250 минг киши яшайди, ёки шаҳар аҳолиси кейинги 50 йил мобайнида деярли 4 ярим баравар ўсди.

● Кейинги етти йил ичида Тошкент аҳолисининг ўртача ўсиш суръати бир йилда деярли 30 минг кишига тўғри келади.

● 1980 йилга келиб шаҳар аҳолиси 1 миллион 400 минг кишини ташкил этади.

● Агарда аҳолининг умумий ўсиши шундай суръатлар билан борса,, шаҳар аҳолисининг сони 2000-йилга келиб 2 миллионга етади.

● Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар Тошкентда маҳаллий қишлоқ хўжалик хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш бўйича ярим кустар типидаги 53 та майда саноат корхоналари бор эди, холос.

● Бу корхоналарда ишчиларнинг сони ўн кишидан икки юз кишигача етарди. Улар ичида энг йириги Қизил шарқ устахонаси ва гўшт комбинати ҳисобланар эди.

● Биринчи беш йилликларда Тошкентда саноат корхоналари қурилиши тез суръатлар билан олиб борилди, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводлари, тўқимачилик комбинати, пойафзал фабрикаси ва бошқа корхоналар қурилди.

● Уруш даврида ва ундан сўнг индустриал марказ сифатида шаҳарнинг аҳамияти янада ошди. Ўзбекистон пойтахти саноати ривожланган, металлни қайта ишлаш ва енгил саноати ўсган катта индустриал шаҳарга айланди.

● Тошкент шаҳар саноатининг ялпи маҳсулоти ҳозирги пайтда республика саноати ялпи маҳсулотининг бирнеча ўн процентни ташкил этади.

Шаҳар истиқболи ва аҳоли сонининг ортабориши ҳақида «Узгоспроект» лойиҳасининг бош архитектори, районларни планлаштириш устахонасининг раҳбари А. Н. ЗОТОВ ва «Ташгипрогор» бош план бўлимининг бош экономисти А. СТЕЗАЕВА ўртоқлар ҳикоя қиладилар

Тошкент — Узбекистон пойтахти, Урта Осиёнинг энг йирик саноат марказларидан биридир.

Ҳозирда келгуси ўн йилликка олдиндан назар ташлар эканмиз, шаҳар қурилиши, саноатни ривожлантириш ва аҳоли сонининг ортиб бориши билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ҳам олдиндан қараб чиқишга тўғри келади.

Саноат тараққиёти ва аҳоли сонининг ўсишини маълум йўлга солиш мураккаб проблемалардан биридир. Шу нарса маълумки, шаҳар қанчалик катта бўлса унда ҳаётни ташкил қилиш шу қадар мураккаб ва қийин боради.

Саноатни ҳаддан ташқари зичлаштириш шаҳар ҳавоси, тупроқ ва сув манбаларини ифлослантиради.

Масалан, Нью-Йорк, Токио, Лондон шаҳарларини олиб кўрайлик. Бу шаҳарларда бино ва иншоотлар, транспорт воситалари қалашиб кетган.

Ана шу шаҳарларнинг бетартиб равишда кенгайиб кетганлиги натижасида саноат, савдо ва идора муассасалари тасодифан шаҳарнинг турли томонларига сочилиб кетган. Оқибатда ишчи ва хизматчилар ишга ва ишдан уйга қайтиш учун жуда олис йўлни босиб ўтишга мажбур бўлмоқдалар.

Кўп сонли оммани шаҳарнинг у томонидан бу томонига ташиш учун қудратли транспорт воситаларини вужудга келтиришга тўғри келади ва бу шаҳарлар пассажирлар учун ниҳоятда хавфли бўлиб қолди.

Юқоридаги шаҳарларда саноат корхоналарининг зарарли чиқиндилари ва автомобиллардан чиққан газ ҳавони шунчалик ифлослантирганки, бу ҳавода нафас олган кишилар ўз организмларини заҳарламоқдалар.

Саноатнинг тараққиёти аҳоли сонининг кўпайишига ва шаҳар чегарасини кенгайишга олиб келади. Иш жойига боришга кўп вақт сарфланади, йўловчилар транспортда юриб чарчайдилар.

Аҳолиси беш юз минг кишидан зиёд бўлган шаҳарларда турли инженерлик коммуникациялари, водопровод, канализация, алоқа ва транспорт воситаларининг таннархи кескин қимматлашади. Улардан фойдаланиш нархи ҳам қимматлашади.

Совет шаҳар қурувчилари шаҳарларимизда аҳолининг турмуши, меҳнати ва дам олиши учун энг қулай имкониятларни яратиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Чунки «Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун» деган принцип асосий принципимиздир.

Шунинг учун ҳам шаҳарлар перспектив тараққиётини ишлаб чиқишда, хусусан Тошкентнинг истиқбол режалари белгиланганда структура планлаштириш схемалари саноат ва аҳоли сонининг тобора ортиб боришидек умумий тенденция билан чамбарчас боғлаб қараб чиқилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети, Узбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган шаҳарни реконструкция қилиш планида шаҳар аҳолиси сонини кўпайтиришни тўхтатиш кўзда тутилган.

Шу мақсадда шаҳар ичида аҳолининг кундалик эҳтиёжини таъминлаш билан боғлиқ бўлган енгил ва озиқ-овқат, шунингдек, қурилиш материаллари ҳамда қурилиш индустрияси (шаҳарда олиб борилаётган қурилишлар ҳажмининг ниҳоятда катта кўламда эканлигини назарда тутиб)дан ташқари бошқа саноат объектлари қуриш таъқиқланади.

Мавжуд корхоналар янги технологик ускуналарни, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштиришнинг янги воситаларини жорий этиш ҳисобига реконструкция қилиниб, бунда ҳам ишлаб чиқарувчи кучлар умумий сонини кўпайтирмаслик назарда тутилади. Мавжуд корхоналар қувватини унда ишловчи ишчилар сонини ошириш ва янги цехлар қуриш ҳисобига кенгайтиришга йўл қўйилмаслиги керак.

Масалан, «Ташавтомаш», Электро техника, «Ташсельмаш», Трактор-йиғув, «Таштекстильмаш» заводлари, Абразив буюмлари комбинатида ишчилар сони кескин кўпайган.

Шаҳарни реконструкция қилиш бош планида турар жой кварталларига жойлашган об-ҳавони ифлослантирувчи саноат корхоналарини шаҳардан ташқарига кўчириш кўзда тутилади. Бу ўринда гап биринчи галда Пахта тозалаш заводи, Гўшт комбинати, Абразив буюмлари комбинати, «Газоаппарат», Асфальт-битум заводлари, Ип-каноп фабрикаси «Автотрактодеталь», Кўн-галантерея комбинати, кўн-механика заводи Резина техника буюмлари заводи, Макарон фабрикаси, Консерва заводи, Ғишт заводлари 1 ва 5-бошқармалари, 3-пиво заводи, Газ тўлдирувчи станция, Саралаш-ювиш фабрикаси ва бошқа корхоналарни кўчириш ҳақида бормоқда.

Бироқ, мавжуд чеклашларга қарамай, Ўзбекистон ССР Госплани ва шаҳар ташкилотлари, шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган бир қатор янги саноат корхоналарини қуришни назарда тутмоқдалар. Қуёшдан муҳофаза қилиш мосламалари, Ностандарт ускуналар заводи, Электр ремонт заводи, Электротехника заводининг филиали ва Сергели саноат районида қурилиши мўлжалланаётган хилма-хил базалар шулар жумласидандир.

Планлаштиришнинг бу усулига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Тошкент шаҳар саноатини шаҳарни реконструкция қилиш плани билан мослаштириб ривожлантириш учун, саноатнинг яқин ўн-ўн беш йил ичидаги ривожланиш йўлларини белгилаб берувчи ва бош планда кўзда тутилган баъзи корхоналарни бекитиш ҳамда шаҳардан кўчириб чиқариш тартибини назарда тутган техник-иқтисодий схемани ишлаб чиқариш зарур.

Бу схема Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг экономика институти раҳбарлигида, турли илмий-текшириш муассасалари, лойиҳалаш институтлари ва саноат корхоналарини жалб қилинган ҳолда ишлаб чиқилиш лозим.

Бу ишдан кўзда тутиладиган асосий мақсад айрим корхоналарда ишчилар сонини оширмаган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришни ривожлантириш истиқболини ишишлаб чиқишдан иборатдир.

Шаҳар аҳолиси сонини кўпайтирмаслик проблемасини янги саноат корхоналари қурилишини тўхтатиш ва мавжуд саноат корхоналари ишлаб чиқариш қувватини ривожлантиришни чеклаб қўйиш билангина ҳал қилиб бўлмайди. Бошқа ташкилотлар, хусусан олий ўқув юртлари ва техникумлари, илмий-текшириш институтлари, хилма-хил хўжалик ва тайёрлов ташкилотларини ҳам ҳаддан ташқари кўпайтирмаслик тақозо қилинади. Бу ўринда шаҳардаги Медицина, Политехника, ва Қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш, Қишлоқ хўжалиги ва бошқа институтлардаги студентлар сонини йилдан-йилга кўпайтириш қай даражада мақсадга мувофиқлигини масаласини ҳам ўйлаб кўриш керак. Ҳозирги пайтда студентлар сони бир ярим баравар, айрим олий ўқув юртларида эса икки баравар ортмоқда. Институтларни бунчалик кенгайтириш мақсадга мувофиқ эмас, студентлар сонини республиканинг бошқа шаҳарларига жойлашган олий ўқув юртларини кенгайтириш ҳисобига ошириш мумкин.

Хўжалик, илмий-текшириш ташкилотларидаги ходимлар сонини чеклаш юзасидан ҳам шундай чегараларни кўриш керак. Бу ташкилотларнинг анчасини республиканинг бошқа шаҳарларига кўчириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Планлаштириш ташкилотлари ва шаҳар ижроия комитетининг вазифаси Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шаҳарда объектларни (улар қайси ташкилотларнинг қарамоғида бўлишидан қатъий назар) Тошкент шаҳрининг тасдиқланган бош планига қатъий риоя қилган ҳолда қуриш ва реконструкция қилиш ҳақидаги кўрсатмаларини оғишмай амалга оширишдан иборатдир.

Аҳоли сонини муайян даражада стабиллаштириш аҳолининг сони билан шаҳар хўжалиги хизмат кўрсатувчи ташкилотлари имкониятлари орасидаги фарқни йўқотади.

ШАҲАР—ҚИШЛОҚҚА

ТОШКЕНТ. «ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИНИНГ КОЛЛЕКТИВИ ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ УЧУН РАНГ-БАРАНГ ЗАМОНАВИЙ МАШИНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА. ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА ЭУ ЕРДА ОХП-3 ПАХТА ТОЗАЛАШ МАШИНАСИ ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА. БУ МАШИНА АВВАЛГИЛАРИГА ҚАРАГАНДА АНЧА СЕРУНУМ. ЙИЛ ОХИРИГАЧА 500 ДАН ОРТИҚ ШУНДАЙ МАШИНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ.

СУРАТДА: ЗАВОДНИНГ МАҲСУЛОТ ОРТИШ МАЙДОНЧАСИДА.

В. Лейзерович фотоси.
(ЎзТАГ).

ТАШСЕЛЬМАШЧИЛАР-ЮБИЛЕЙГА

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) йиғув цехининг бир группа йиғувчи машинасозлари. Слесарь Х. Мадраимов, мастер В. Смирнов ва слесарь А. Назруллаев ўртоқлар.

М. НУРИДДИНОВ фотолари.

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Улуғ Октябрнинг ярим асрлик байрами йилида бутун совет халқи ўзининг босиб ўтган улкан йўлига бир назар ташлаб, янги-янги марраларни кўзлаб, юксак мажбуриятларни бажариш йўлида жонбозлик қилмоқда. Барча хўжаликлар сингари ўтган давр мобайнида Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлари ҳам катта ютуқларни қўлга киритдилар. Ўзининг биринчи одимини оддий омоч, омоч тишлари, от плуг ва сеялкаси тайёрлашдан бошлаган корхона эндиликда бутун дунёга доңғи кетган кўсак чувиш ва пахта териш агрегатларини ишлаб чиқармоқда.

Шу ўринда бундан тўрт-беш йил муқаддам, Қирғизистоннинг уста пахтакорларидан бири бўлмиш собиқ «Қизил шарқ», ҳозирги Тошпиров номли колхознинг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони марҳум Ҳайитохун Тошпиров билан бўлган суҳбатни эслатиб ўтгимиз келади.

Терим авжида. Пахта териш машиналари бирин-кетин хирмонга келиб, бункерларни бўшатмоқда.

— Илгари юрган эканмиз, — деди Ҳайитохун ака, — буни қаранг, битта машина қанча одамнинг ишини қиляпти. Яқиндагина бир колхоз бир кунда саккиз процент пахта терибди деса, бунга ҳеч ким ишонмас эди. Икки процентга етказиб пахта берган колхоз пешқадам ҳисобланарди. Ҳозир бўлса, кунига олти процентдан пахта топшираётган районлар бор. Бунинг ҳаммаси машинанинг шарофати.

Ҳа, қисқа муддат ичида шунча улкан йўл босиб ўтилди. Омочлар ўрнини бақувват тракторлар, пахта териш машиналари эгаллади. Бу йил СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасидаги Ленин мукофотлари ҳамда СССР Давлат Мукофотлари Комитети президиуми томонидан мамлакатимизнинг таниқли фан арбоблари қатори «зангори кема»ларнинг яратувчиларидан бир группаси П. Ф. Глазатов, А. Н. Приходько, В. Д. Тютьков, М. Н. Марков, Ж. Кўчиев ва Т. Охуноваға ҳам Ленин мукофотининг берилиши завод ишчига берилган катта баҳодир.

Бу ҳақда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасидаги Ленин мукофотлари ҳамда СССР Давлат Мукофотлари Комитети президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Фан ва техника давлат комитети раисининг ўринбосари Г. В. Алексенко ўз фикрини қуйидагича баён қилди.

«Қарорда инсон меҳнатини енгиллаштиришга, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигини ҳар томонлама оширишга куч-ғайрат сарфлаган мутахассислар ҳам муносиб ўрин олган.

«Пахта кони» Ўзбекистон инженерлари ва новаторларининг бир группаси П. Ф. Глазатов ва бошқалар вертикал шпинделли икки қатор пахта териш машинасини яратганлиги, уни қишлоқ хўжалигига жорий қилганликлари учун Ленин мукофотига сазовор бўлдилар. Ўтган йил янги конструкциядаги машиналарда мамлакатдаги пахта ҳосилининг 32 процентини териб олинди.»

Ҳа, фақат социалистик тузум мавжуд бўлган ҳур мамлакатдагина, қисқа муддатда шундай зафарли йўлни босиб ўтиш мумкин. Машина ихтирочиларига берилган бу мукофот фақат завод ишига берилган катта баҳо бўлмай, Совет хокимияти йилларида Ўзбекистоннинг машинасозлик соҳасида эришган катта ютуқларига берилган олий мукофотдир.

Корхона ишчилари қўлга киритилган бу ютуқлар билан кифояланиб қолмайдилар. Улар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги юбилейига юксак мажбурият олишган. Мажбуриятда корхона йиллик планни 26 декабрга қадар бажариб, планга қўшимча ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши тўғрисида гап юритилади.

Шунингдек, корхона ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи меҳнат унумдорлигини планга нисбатан бир процент ошириб, конструкторлик, технологик ва бошқа ташкилий-техника тадбирлари туфайли 1967 йилда 225 тонна металл прокат, 300 тонна қуйма чўян, 25 тонна лак-бўёқ материаллари, бир ярим миллион киловатт-соат электр энергияси ҳамда бошқа материалларни тежаб, 80 минг сўм қўшимча фойда бериш мажбуриятини олишган.

Корхонада машиналарнинг такомиллашган намуналарини тайёрлаш, ихтирочилик ва тежамкорлик юзасидан олинган мажбуриятни бажариш учун цехлараро ва коллективлараро социалистик мусобақа кучайиб кетди. Қайси бригадага борманг ҳамма ерда юксак мажбуриятни бажариш учун фидокорона меҳнат қилаётган кишиларни кўрасиз. Бу мусобақада 1, 10, 8-цех коллективлари олдинда боришмоқда.

Корхона беш ойлик планни муддатидан олдин бажарди. Маҳсулотнинг барча кўрсаткичлари бўйича мажбуриятлар адо этилди. Шубҳа йўқки, коллектив ўзининг юбилей шарафига олган мажбуриятини бажариб янгидан янги марраларни эгаллайди.

ТАРАДДУД

Завод ўтган йилнинг бошидан буён планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтишга тайёргарлик кўрмоқда. Бу иш бир қатор амалий тадбирлар белгилаш ва уни амалга оширишни талаб қилади, албатта. Ана шунинг учун аввало заводда иқтисодий анализ ва меҳнатни ташкил этиш лабораторияси барпо этилди. Марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш университетида кечки экономика факультети очилди. Мунтазам ўтказилаётган машғулот ва семинарларда завод директорининг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари Н. А. Крилов, иқтисодий анализ лабораториясининг бошлиғи М. С. Димитров, унинг ўринбосари И. С. Хейфиц, заводнинг бошқа техника, иқтисодчи мутахассислари, цех мастерлари, Тошкент Халқ хўжалиги институтининг ўқитувчилари ва бошқалар лекциялар ўқиб, ишчи-хизматчилар қизиқтирган саволларга жавоб бераётирлар. Бундан ташқари иқтисод масалалари партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг очиқ мажлисларида ҳам атрофлича муҳокама қилинмоқда.

Барча цех ва завод бошқарув бўлимлари учун завод ички хўжалик ҳисоби ҳақида ишлаб чиқилган Низомда бошқарув аппарати бўлимларининг янги шароитга ўтишдаги конкрет вазифалари баён этиб борилмоқда.

Корхона янги системага ўтишда цехлар ва завод бошқарув аппарат бўлимлари олдига ички планлаштириш, ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш ва яхшилаш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни яхшилаш ҳамда техника-экономика асосларда материал ва меҳнат ҳаражатларини нормалаш даражасини ошириш каби конкрет вазифалар қўйилган.

Ундан ташқари иқтисодий ишларни яхшилаш ва моддий-пул ресурсларини тежаш юзасидан ташкилий-техник тадбирлар плани ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Москва ва Ленинград саноат корхоналари коллективларининг моддий бойликларни тежаш ва эҳтиёт қилишдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш юзасидан ташкилий-оммавий ишлар олиб борилди.

Цехларда ташкил этилган иқтисодий анализ бюролари ташаббус комиссияси ташкилий ишларда цехларга ёрдам бериб, уларнинг хўжалик фаолиятини анализ қилишда кўмаклашмоқда.

Ана шу тадбирлар туфайли ҳозир заводнинг ҳамма цех ва бошқарув аппарати бўлимларида янги системага ўтишга тайёргарлик кенг қулоч ёйди.

Шу нарса диққатга сазоворки, цех ва участкалар бўйича планлаштириш, хўжалик ҳисоби ишларининг яхши йўлга қўйилиши сабабли катта миқдордаги маблағларнинг тежалишига, резервларни топиб, ишга солинишига, ходимларни моддий рағбатлантиришни янада яхшилаш учун имкониятлар вужудга келди. Масалан, баъзи машиналарнинг қуввати оширилганлиги, металл қирқувчи ускуналарнинг модернизация қилиниши, олдин қўлда бажариб келинган пайвандлашнинг ярим автоматлаштирилиши, айрим трансформаторларнинг тунги ва дам олиш кунлардаги беҳуда ишлашларига барҳам берилганлиги туфайли 1966 йили давлатнинг бир неча минг сўм маблағи тежаб қолинди. Шунингдек, заводда ишлатилмайётган ускуналарнинг реализация қилинишидан 37 минг сўмлик фойда олинди.

Баъзи маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг технологияси, конструкциясининг такомиллаштирилиши натижасида аниқ металлар прокати, чўян қуйилмалари ва лак-бўёқ материалларидан 55.660 сўм иқтисод қилинди.

Завод директорининг иқтисодий ишлар бўйича ўринбосари Н. А. Крилов характерли бир мисолни айтиб берди. Кўп йиллар мобайнида экспорт қилинадиган ҳар бир пахта териш машинаси деталларини кооперация йўли билан кадмийлаштириш (деталга ялтироқ, юмшоқ оқ металл қоплаш)га 950 сўм сарфлаб қилинарди. Заводнинг иқтисодий анализ лабораторияси бу жараёнга оид материал, меҳнат ва пул харажатларини чуқур анализ қилиб кўрди, унинг технологияси билан танишди, бу жараён юзасидан баъзи таклифларни ўртага ташлаб, уни ишлаб чиқаришга жорий этди. Натижада ҳар бир машина деталларини кадмийлаштириш учун кетадиган сарф-ҳаражат 800 сўм камайтирилди. Шу йўл билан 1967 йилнинг ҳозирги кунигача кўрилган фойда 200 минг сўмдан ошиб кетди.

Заводда ишлаб чиқаришга кўплаб ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларининг жорий этилиши туфайли 730 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилди. Е. М. Сокирянский, В. П. Лухманов, В. А. Ғафуров, Ю. И. Яровой, Я. С. Кучинер каби рационализаторларнинг ихтирочилик таклифлари катта фойда келтирди.

1967 йилнинг биринчи кварталида ҳам ихтирочилик таклифларидан 97.700 сўмлик фойда олинди.

— «Ташсельмаш» заводи планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига шу йилнинг 1 июлида тўлиқ ўтади. Бу иқтисодий кампанияга тайёргарлик ишлари шу кунларда қизғин олиб борилмоқда. Корхонанинг қайси участкасига, қайси бригадасига борманг, у ердаги меҳнат кўтаринкилигининг гувоҳи бўласиз. Ўтган йили пландаги 7204 та ўрнига 7399 та «зангори кема» ишлаб чиқарган завод аҳли Улуғ Октябрьнинг ярим асрлик тўйи нишонланадиган йилда пахтакорларга 7500 та пахта териш машинаси тортиқ қилиш, бултургидан кўпроқ қишлоқ хўжалик машиналарининг эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш, кўп миқдордаги материалларни тежаш, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳисобига 400 минг сўм фойда олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Социализмнинг илк ғалабали йилларида бунёд этилган бу заводнинг ишчилари ва инженер-техник ходимлари шонли анъаналарни изчиллик билан давом эттириб, иқтисодийислоҳотни муваффақиятли ўтказиб, беш йилликнинг иккинчи йили вазифаларини шараф билан адо этишларига шак-шубҳа йўқ!

С. ЖЎРАЕВ.

●

«Ташсельмаш» заводининг дарвозасидан ҳар йили юзлаб пахта териш машиналари чиқиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг пахта далаларига йўл олади. Поезд ҳамда кемаларга ортилиб, Африка, Осиёдаги пахтакорларга жўнатилади. Ҳатто Америка ва Япония сингари саноати ва машинасозлиги ривожланган мамлакатлар ҳам эндиликда Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозларининг маҳсулотига кўплаб буюртмалар юбормоқдалар.

Яқинда корхона Болгария Халқ Республикаси ва Жазоирга пахта териш машиналарининг янги партиясини жўнатди.

СУРАТДА: Завод конвейеридан чиққан машиналар жўнатиш учун тахт бўлиб турибди.

●

ЙИЛЛАР, ОДАМЛАР, ФАКТЛАР

«Ташсельмаш» заводи республикамиздагина эмас, балки Ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан ҳисобланади. Ўз ишини оддий плуг, омоч каби қишлоқ хўжалик асбоблари ишлаб чиқаришдан бошлаган завод эндиликда йирик саноат корхоналаридан бирига айланди, унинг маҳсулотлари эса чет элларда ҳам таҳсинга сазовор бўлмоқда.

Корхонанинг нақадар тез суръатлар билан ўсганлигини билиш учун турли даврларда, газеталарда эълон қилинган мақола ва хабарларга назар ташлаш кифоя.

●

«Главтекстиль»дан олинган маълумотларга кўра, Туркистон деҳқонларига кетмон тайёрлаш учун Стокгольмга буюртма берилган»

«Известия Турк ЦИК» ва «Правда Востока» газеталари.

26 май, 1921 йил.

●

«Пахта инвентарлари заводи «Ташсельмаш» — (ред) чет элларга сотиш учун пўлатдан тайёрланган омоч тишлари, от плуглари, қўл омочлар тайёрлаганлиги ҳақидаги маълумот гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Бу Ўзбекистоннинг Совет экспортига қўшган биринчи саноат маҳсулотидир. Бундан кейин эҳтимол, бошқа моллар ҳам чиқарилар».

«Қизил Ўзбекистон»

19 август 1931 йил.

●

«Мастер Филиппов бошқараётган 4-цехнинг барча ишчилари бугун уруш тугагунга қадар ўз маошларининг икки процентини мудофаа фондига беришга қарор қилдилар».

(«Ворошиловец» — 7 август, 1941 йил).

●

«Бўлимлардаги хотин-қизлар истаган пайтда фронтга кетган кишиларнинг ўрнини эгаллаш учун токарлик, шоферлик ва бошқа касбларни эгалламоқдалар».

(«Ворошиловец» — 4 сентябрь, 1941 йил).

ШОИР ЮРГАН ЙЎЛЛАРДА

Шоир «Ташсельмаш» цехларини айланиб, бу ерда ишлаётган машиналарга завқ билан термулиб, қалби жўш уриб кетди. Қўлига дўмбирасини олди-да, қўшиқ тўқиб юборди:

«Сельмаш» деганимиз азамат завод,
Бу ерда на қилсин ҳазрати Довуд
Буни бунёд этган доно партия
Тикилган душманни этади нобуд.

Самарқанд областининг олис бир чеккасидан келган забардаст халқ шоири Фозил Йўлдош ўғли дўмбира чертар, мисра кетидан мисраларни улаб кетарди. Тинглаётганлар завқ-шавққа тўлиб, музика оҳангида тебранишарди.

...Куни кеча биз ҳам машҳур бахши шеър тўқиган табаррук даргоҳда бўлдик. Фозил ота бундан ўттиз йил муқаддам у ерда бўлган, завод азаматларини куйлаган эди. Ўттиз йил мобайнида Фозил бахши мадҳ этган азамат завод бениҳоя юксалди.

От чопса гумбирлар тоғнинг дараси,
«Сельмаш»дадир ботирларнинг сараси,
Сўзларимга қулоқ солинг, халойиқ,
Олис эмас шаҳри Тошкент ораси.
«Ташсельмаш»нинг кўрмоққа бир шайлангин,
Борсанг цехларни бир-бир айлангин,
Пахтакорсан, жон ҳамкоринг, шундадир,
Минг тасанно дебон, ўргул, айлангил.

Заводнинг улкан дарвозаси олдида биз Фозил Йўлдошни эмас, унинг юртидан келган пионерларни учратдик.

— Пахтакор ота-оналаримизнинг ишини енгил қилган заводни бир кўрайлик, — деб бу ерга келишган экан.

Болалар завод цехларидан бирига асфальт кўчалардан боришмоқда.

— Менга қара, ўртоқ, улкан шаҳар-ку, бу, деб кулди бир бола ёнидаги ўртоғига.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу улкан саноат корхонасини бир кўргандагина шинам шаҳар ёдимизга тушади. У ажойиб, тоза, гулзор шаҳарчани эслатади.

Ниҳоят биз ҳам, болалар ҳам биринчи цехга етиб бордик. Дам олиш пайти. Цех дарвозаси рўпарасидаги спорт майдонида бир группа ишчилар волейбол ўйнашмоқда. Майдон атрофига йиғилганлар эса уларни томоша қилмоқда.

Нарироқдаги скамейкада ўтирган қотмагина бир йигит билан сўрашдик.

— Абдураҳим Тоҳиров, — таништирди ўзини у. — 1-цех комендантиман.

— Жуда соз, — дедик биз. Цехингиздаги илғор ишчилар билан бизни таништирсангиз...

— Жоним билан.

У дарҳол ўрта бўйли, тўлагина бир қизни чақирди. У цех ҳисобчиси Гулсара Ортиқова эди. Заводнинг энг ёш ишчиларидан бири бўлган бу қиз саккизинчи синфни тамомлаб жўшқин меҳнат дарёсида бир ирмоқ бўлиб оқмоқда.

Шу пайт қаршимдаги скамейкага новча, қотмагина бир киши келиб ўтирди. У Ҳасан Носиров бўлиб, 20 йилдан буён шу цехда қуювчи, пайвандчи бўлиб ишлайди.

— Мана бу опам шу ерда ишлайдилар, — таништирди ўртоқ Абдураҳим Тоҳиров. — Исмлари Меҳри, фамилиялари Мадусмонова, умр йўлдошлари Абдулла Мадусмонов билан ўғли Ҳушёр ҳам бизда оддий ишчи бўлиб ишлашади.

Абдураҳим ака билан 1-цех қаҳрамонлари ҳақида суҳбатлашиб ўтирган эдик, ўрта бўйли тўлагина бир йигит келиб қолди.

— Бу ўртоқ цехимизнинг мастери Дўстжон Матчонов бўладилар. — таништирди Абдураҳим ака.

Хоразмлик йигит Дўстжон 1965 йили Тошкент Политехника институтининг механика факультетини тамомлаб шу ерга келган экан.

Дўстжон Матчонов бизга ўзи ишлаётган 1-цех ветеранлари ҳақида сўзлаб берди ва бу ерда ҳар бири ўттиз йиллаб тер тўккан Ленин орденли Мажид Рўзиматов, қуювчи Эргаш Неъматов каби отахонларнинг номларини ҳурмат билан тилга олди. Буларнинг ҳаммалари ҳозир пенсияда бўлиб, қарилик гаштини суришаётир.

— Ҳа, айтгандай, — деди Дўстжон Матчонов. — Эргаш ота Неъматов ҳозир шу ердалар, шогирдларига ёрдамлашгани келганлар.

Бир йигит шу заҳоти Эргаш отани бошлаб келди. Ҳали бақувват, чеҳрасидан нур ёғилиб турибди отанинг. Эргаш ота дастлаб 1929 йилда завод қурилишида ишлаган. У 1932—1936 йилларда Тошкент тўқимачилик комбинати қурилишида ҳам меҳнат қилган.

— 1936 йилда яна «Ташсельмаш»га қайтдим, — дейди Эргаш ота. Навқирон чоғимда менга қадрдон бўлиб қолган даргоҳдан бир зум ҳам кўнгил узолмасдим.

Ота пенсияга чиққач, ўрнига ўринбосар қилиб ўғли Собиржон Неъматовни заводга бошлаб келди. Ҳозир Собиржон 2-цехнинг илғор ишчиси; шу билан бирга кечки ишчи-ёшлар мактабининг 10-синфида таълим олмоқда.

Эргаш ота ўз сафдошлари — Хайрулла Муродов, Носир Содиқов, Абдумажид Рўзиматов, Тешабой Тожибоев, Раҳимжон Бобожонов, Холиқ Эргашев, Султонқул Ўрмонов ва марҳум Қурбон Зокиров ҳақида мароқ билан сўзлаб берди.

— Улар умрларини заводимизнинг гуллаб яшнашига бахш этишган. Шунинг учун ҳам завод коллективи бу азаматларни қадрлайди, — деди ота ҳаяжон билан.

Дам олиш вақти тугади. Ишчилар қадрдон дастгоҳлари томон йўл олишди.

СТУДЕНТ-ИШЧИ

Заводда кўпгина ишчилар кундалик нормаларини ортиғи билан бажариб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни ҳам давом эттирмоқдалар. Бундай ишчилар корхонанинг темирчилик участкасидаги цехларида ҳам истаганча топилади.

Цех ишчилари йўллик прессларни ишлаб чиқаради. Бундай пресcларсиз пахта териш машиналари ишлай олмайди. Бу цехнинг фидокорона меҳнати кундалик ишлаб чиқариш нормаларини ортиғи билан адо этмоқда. У ўзининг ҳаракатчанлиги, зийраклиги ва ҳар нарсага қизиқувчанлиги туфайли ўз касбининг устаси бўлиб олди.

Мураккаб касбни ўрганиш, бирданига бўлмади албатта. Бунинг учун кўпгина техника адабиётларини ўқиш, илғорлар методини ўзлаштиришга тўғри келди. У ҳатто билим юртини тамомлаб чиққандан кейин ҳам сира тинмай, ўз устида иш олиб борди.

1957 йили участка коллективи Николайни Совет Армияси сафига ўз гражданлик бурчини оқлаш учун кузатди. Николай армияда намунали хизмат қилиб, дўстларининг ишончини оқлади. Полк мактабини муваффақиятли тамомлаб, сержант ҳарбий унвонига эришди. Армия сафидан қайтиб келгач, яна ўз қадрдон заводига ишга қайтди. Корхонада яна жўшқин ҳаёт бошланди.

Николай Бочаров ўз касбини жон дилидан севади. Касбига доир янгиликларни ўрганиш, ўзлаштириш, ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштиришда ўз ҳиссасини қўшиш, шу билан бирга маҳсулот таннархини камайтириш йўлида тинмай ғайрат қилади. Николай ишлаб чиқараётган маҳсулотлар энг юқори сортларда қабул қилинмоқда.

У ўзининг меҳнаткашлиги, ғайратчанлиги туфайли коллектив ҳурматига сазовор бўлди. Коммунистлар уни цех партия бюросининг аъзолигига сайладилар. Партия ва ҳукумат Николай Бочарёвнинг меҳнатларини тақдирлаб, уни «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан мукофотлади.

Николай Бочкарев Совет ҳокимиятининг 50 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш учун, социалистик мусобақага қўшилиб, шахсий совға тайёрламоқда. У йиллик планни муддатидан бир ой олдин бажариб, планга қўшимча юзлаб сўмлик маҳсулот бериш учун тинмай ҳаракат қилмоқда.

И. ЧИЛИН,
цех мастери.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсупов корхонани биринчи қурган кишилардан. У завод билан биргаликда ўсди, улғайди, у корхонада энг илғор кишилар сифатида танилди.

Суратда: Мустақим Юсупов токарь — технолог Дагиль Судаков янги чиққан деталларни кўздан кечирмоқда.

Д. Муҳсинов фотоси.

50 ҚАҲРАМОНОНА ЙИЛЛАР ХРОНИКАСИ

1954 ЙИЛ

Пахтачилик бўйича махсус Давлат конструкторлик бюросининг конструкторлари К. П. Юшин Д. П. Куделин томонидан ихтиро қилинган кўрак терувчи машиналар колхоз далаларида муваффақият билан синовдан ўтди. Бу машиналарни «Чирчиксельмаш» заводи коллективи ишлаб чиқарган.

* * *

1954 йилда «Малик» совхозида 65 та пахта териш машинаси ишлади. Улар билан 2389 тонна пахта ёки умумий ҳосилнинг 54,5 процентн териб олинди.

1954 йилда республика саноати:

3.604 минг киловатт-соат электро энергия
994 минг тонна нефть
2.295 минг тонна кўмир
560 минг тонна минерал ўғит
131 минг тонна пўлат прокати
240 та экскаватор
2995 та трактор сеялкаси
8841 та трактор культиватори
1750 та дизель
3035 та универсал пахта тозалаш машинаси
454 минг тонна цемент
575 миллион дона ғишт
211 миллион метр ип газлама
851 минг тонна пахта толаси
20.156 минг метр ипак газлама
6.168 минг жуфт чарм пойафзал
225 минг тонна ўсимлик мойи ишлаб чиқарди.

Шу йили:

2.686 минг тонна пахта ҳосили
13.717 тонна пилла
82,1 тонна каноп экинлари ҳосили
160,9 минг тонна дон
Шу жумладан, 16,7 минг тонна шоли
1.488 минг дона қоракўл
13,6 минг тонна жун тайёрланди.

* * *

319 минг квадрат метр турар-жой қурилди ва фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари шаҳар аҳолиси, колхозчилар ва қишлоқ зиёлилари кучи билан 308 минг квадрат метр ҳажмда турар-жой қурилди.

* * *

Шу йили халқ хўжалигида машғул бўлган олий маълумотли мутахассислар сони (1954 йил 1 апрелгача бўлган маълумот) 54,893 кишига етди.

Республикада 5344 та мактаб бўлиб, уларда 1.366,5 минг киши таълим олди. Ўқитувчилар сони 64,9 минг кишига етди. 103 техникум ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида ўқувчилар сони 54,6 минг кишига етди.

Республикадаги 34 олий ўқув юртида 58 минг студент таълим олди.

Шу йили 26 та театр, 16 та музей, 1249 та кинотеатр, 3440 та оммавий кутубхона бор эди.

* * *

20,4 миллион нусхада китоб нашр қилинди. Нашр қилинган газеталарнинг умумий тиражи 177.7 миллион нусҳага етди.

СЎЗ ГРУППА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЧИСИГА

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

БИЗНИНГ ТАЯНЧИМИЗ

Бизнинг партия группамизда 16 хил операцияни адо эта оладиган кишилар бор. Уларнинг қўлидан токарлик, чархловчилик, фрезерлик, слесарлик, ишлари келади. Цехимизнинг бир бурчагида созловчи Жўра Қосимов беш операцияни назорат қилиб боради. Бошқа бурчагида мен маҳсулотни тайёрлаб топшириш-токарлик, фрезерлик, кесиш, олмос билан чархлаш, пайвандлаш участкасига жавобгарман. Борди-ю, бирор ишчининг қийналиб қолганини кўрсам, ёрдамга шошиламан. Баъзан дам олиш вақтида «Хўш, Геннадий бугун нега ишда оқсаяпсан,» деган сўз ҳам ишчига яхши таъсир қилади. У куни иккинчи ярмида суръатга-суръат қўшиб ишлай бошлади.

Биз трактор орқа кўпригининг ўнг томонини ишлаб берамиз.

Апрель ойи плани 1805 та эди. Биз 1850 та тайёрладик. Бу билан план топшириғи ва мажбуриятни тўла бажардик. Буларнинг ҳаммаси коммунистларнинг касаба союз группа ташкилотчиси Борис Кабанов билан ҳамкорликда кўрсатган ёрдамлари туфайли мумкин бўлди. Биз мастер Ким Куприянович Сурский, Кабанов билан биргаликда мусобақанинг авж олишига халақит бераётган нарсалар тўғрисида мулоҳазалашиб, маҳсулот сифатини оширишнинг конкрет йўлларини белгиладик. Бунда асосий эътибор меҳнат интизомини мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Комсомоллар ҳам бу борада яхшигина кўмак бермоқдалар. Тўғри, бизда атиги икки комсомол аъзоси бор — Геннадий ва Михаил Желтов. Лекин иккови ҳам серғайрат, ташаббускор йигит. Улар прогулчиларга қарши қаттиқ кураш олиб боришади.

— Мана, сен тўрт кун ишга келмадинг деб М. Желтов токарь Каримовга мурожаат қилади, — бу билан бошқа ўртоқларнинг меҳнатини беҳурмат қилаётганингни биласанми? Ахир сен планни бажармаслигинг натижасида бошқаларнинг ишига ҳам путур етади-ку.

Вақтида айтилган дўстона аччиқ танқид кўпинча буйруқдан ҳам яхшироқ таъсир қилар экан. Ҳозир Каримов олдинги одатини ташлаб, коллектив билан биргаликда актив меҳнат қилмоқда. Партия группамиз ишлаб чиқаришни планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги усулига ўтиш учун тайёргарликка катта эътибор бермоқда. Коммунистлардан Эркин Обидов, мен, мастер В. Сурский беш минутлик дам олиш вақтларида, янги системанинг афзалликлари тўғрисида суҳбатлар ўтказамиз. Ишчилар тушунмаган нарсаларини сўраб олишади.

Коммунист дўстларимиз ҳамиша ҳар бир ишда ишчиларнинг ижодий ташаббускорлигини ўстириш учун ҳаракат қиладилар. Мажбуриятнинг бажарилишини кузатиб борадилар. Бу ишда ўзлари пешқадам бўладилар. Партия группамиз аъзоларидан Е. Копылов ҳозир цех бошлиғининг ўринбосари, оддий ишчи коммунист Ю. Вилкун мастер бўлиб етишди.

Бизда анчагина илғорлар бор. Фрезеровкачи Р. Мусин, пармаловчи С. Иноғамов, чархловчи Борис Кабанов шулар жумласидандир. Биз бу ўртоқларнинг тажрибасини бутун коллектив ўртасида оммалаштиряпмиз. Мақсадимиз шуки, коллектив ўртасида бирорта қолоқ бўлмасин, норма ҳамиша бажарилсин, маҳсулот сифатли бўлсин, ҳар бир минутдан унумли фойдаланайлик.

Ю. ТУРУПШЕВ,
Трактор йиғув заводи 1-цехи группа партия ташкилотчиси.

ЭЛЧИЛАР ҲАЁТИДАН

Ўтган ойнинг ўрталарида Римда Италиянинг Вашингтондаги элчиси Феноальтеа истеъфо берганлиги маълум қилинди. Бу эса анча шов-шувга сабаб бўлди. Америкага ихлоси баланд бўлган элчи Феноальтеа истеъфо ҳақидаги ўз илтимосини 29 апрелда яъни Италия ташқи ишлар министри Аминторе Фанфани сенатда нутқ сўзлагандан сўнг икки кун ўтгач топширган эди. Фанфани ўша нутқида Америка авиацияси Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилишни яна бошлаб юборганлиги Вьетнам проблемасини тинч ҳал этишга ёрдам бермади, деб, шу тариқа Американинг ВДР территориясини бомбардимон қилишини қоралаган эди. Фанфани яна бундай деди: бутун инсоният учун фожиали оқибатга олиб келиши мумкин бўлган Вьетнамдаги урушни янада кучайтириш хавфи бартараф қилинганда эди, Европа хавфсизлиги ва қуролсизланиш учун сарфланаётган умумий куч сўзсиз равишда кўпроқ самара берган бўлур эди...

Ташқи ишлар министрининг бу гапларини Вашингтонда норозилик билан кутиб олдилар.

Италия матбуоти, итальян элчисининг Вашингтондаги дўстлари ҳукумат сиёсати билан қўшила олмаганлиги белгиси сифатида истеъфо беришни маслаҳат қилганлар, деб ёзмоқда. Католик газетаси «Аввенире, д' Италиа» газетасининг тахмин қилишига қараганда, элчи Феноальтеанинг мақсади Вьетнам масаласида Италия билан Америка ўртасидаги ажралишни кучайтирмаслик учун ҳукуматга тазйиқ ўтказишдан иборат эди...»

ВИЗИТ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Дания тахтининг вориси малика Маргаретнинг француз графи де ла Борд де Монпеза билан бўладиган тўйига бошқа меҳмонлар қатори Дания маликаси Анна Марияга уйланган Греция қироли Константиннинг ҳам Копенгагенга келиши кутилган эди.

Бироқ унинг Данияга борадиган йўлини Грецияда фашистлар тўнтаришида данияликларнинг ғазаби тўсиб қўйди. Бу тўнтаришда қирол саройи ҳам муҳим роль ўйнади. Жуда кўп жамоат ташкилотлар қирол Константиннинг Копенгагенга келишига қарши чиқишди.

Матбуот жамоатчиликнинг талабини қўллаб-қувватлади. Ҳукмрон социал-демократик партиянинг органи бўлган «Актуэльт» газетаси бош мақоласида Константиннинг Данияга келиши мумкин эмас, чунки «У янги ҳокимларни умуман ва бутунлай қўллаб-қувватлади ҳамда эндиликда ана шу диктатор режимининг олий кишиси сифатида иш тутмоқда», деб ёзди.

Ана шундай шароитда бош министр Краг парламетда сўзлаган нутқида жуда ётиғи билан гапириб, «грек қироли Грециядаги воқеалар муносабати билан Данияга келишини номаъқул деб ҳисобласа, буни Дания ҳукумати тушунади» деди.

Афинадан олинган хабарларга кўра, қирол Константин ўзининг Данияга қиладиган визитини бекор қилди. Эндиликда, Данияда чиқадиган газеталардан бирининг образли қилиб айтганидек, «тўйда идиш синмайди».

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ИРҚЧИЛАРГА ТАЪЗИМ

«Равшанки, бирор мамлакатга борган меҳмоннинг ана шу мамлакат қонунларига риоя қилиши оддий ҳурмат белгисидир. Бироқ бундай ҳурмат ёмонликни рағбатлантирадиган бўлса, бундай қоидага амал қилиб бўлмайди».

«Таймс оф Замбия» газетаси Англия ҳукуматининг Британия флоти денгизчилари Жанубий Африка Республикасига борган вақтларида ирқий камситиш қонунларига қатъий риоя қилишлари тўғрисида чиқарган инструкциясини шарҳлаб ана шундай деб ёзди. Бу қарор Англиянинг учта кемаси июнь ойида Жанубий Африка Республикасидаги Кейптаун портига бориши муносабати билан қабул қилинди.

Инструкция аввало ўша уч кемада хизмат қилаётган «қора танли» денгизчиларга тааллуқлидир. Агар улар Кейптаунда соҳилга тушмоқчи бўлишса, апартеид қонунларининг даҳшатини ўз бошларида синаб кўрадилар. Уларни фақат оқ танлилар учун деб ёзиб қўйилган магазинларга, қаҳвахоналарга киргизмайдилар. Улар паркдаги скамейкаларга ўтириб дам олишмоқчи бўлишса, бу скамейка оқ танлиларгами ёки қора танлиларгами — ким учун аталганлиги ҳақидаги ёзувга эътибор беришлари керак. Акс ҳолда қамоққа тушиш ҳеч гап эмас. «Қора танли» денгизчилар чўмилиш вақтида ирқий камситиш океанда ҳам ўз кучини сақлашини унутмасликлари лозим. Улар оқ танлилар чўмиладиган жойга сузиб боришлари мумкин эмас. Бу қоидани бузган кишиларга жарима солинади.

Лондонда ирқчиларга яна бир бор таъзим қилишиб, иззат-ҳурмат қонунидан ташқари инсонийлик қонуни ҳам борлигини унутиб қўйишди. Ирқий камситиш эса ана шу инсонийлик қонунига зиддир.

Бирлашган Араб Республикасида СССРнинг иқтисодий ва техника ёрдами билан Хелуан металлургия комплекси кенгайтирилмоқда. Ана шу ишларнинг ҳаммаси амалга оширилгач, корхона йилига 1,5 миллион тонна пўлат ишлаб чиқаради.

Корхона қурилиши ва ускуналарни монтаж қилиш ишларида араб инженер-техниклари ва ишчилари билан бирга совет мутахассисларидан 50 киши ҳам қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: араб мутахассиси Атия Хусайин Атия (ўнгда) донецклик Совет инженери Вадим Фенин қайноқ прокат цехидаги ускуналарни монтаж қилишмоқда.

И. Белятский фотоси, (ТАСС).



Давр билан ҳамнафас.
Швейцарияда чиқадиган «Коопераcьон» ҳафталик журналида босилган карикатура.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг дипломантлари давлат имтиҳонларини топшира бошладилар.

Биринчи имтиҳонни улар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихидан топширдилар.

Экзаменатор профессор Д. Юсупов студентларга муваффақиятлар тилаб имтиҳон бошланишини билдирди. Бешинчи курс студентларидан Р. Бобожонов, А. Абдувоҳидов, Б. Жавлонов, Т. Ҳошимов, IV курс студентлари А. Сафаров, Д. Қодирова, А. Мажидовлар биринчи имтиҳонни «аъло» баҳоларга топширдилар.

Имтиҳон комиссиясининг раиси, филология фанлари доктори профессор С. И. Иброҳимов имтиҳон натижаларини якунлаб, студентлар партия тарихини пухта, атрофлича ўрганликларини намойиш қилдилар, деди.

Биринчи имтиҳон муваффақиятли ўтди. Институтда давлат имтиҳонларини топшириш давом этмоқда.

Ш. ШОМУКАРРАМОВ.

БОЛАЛАР ИЖОДИ

Округ офицерлар уйининг катта залида ўқувчилар чизган суратлар кўргазмаси ташкил этилди. Турли тўгаракларда шуғулланаётган бўлажак талант соҳибларини қизиқтирган темалар, воқеалар хилма-хилдир. В. Солоухин чизган сурат «Сиз тошкентликлар учун» деб аталади. Унда катта қурилиш майдони манзараси тасвирланган.

Кўргазмадаги кўпгина асарларда скафандрдаги космонавтларнинг мардлик сафарига ошиқиши, чегарачилар, геологлар ва бошқа касб эгаларининг ёрқин қиёфалари усталик билан тасвирланган.

Кўргазмадан кичик рассомлар — В. Вяльцев, М. Япаров, Н. Северовларнинг манзаралари ҳам ўрин олган.

Болалар расмлари кўргазмасини минглаб томошабинлар кўришди.

63 та медаль

Ўтган йили Югославиянинг Люблян шаҳрида ҳамда Венгриянинг пойтахти Будапештда бўлиб ўтган Халқаро виставкаларда ўзбек виночилари ишлаб чиқарган маҳсулотлар 4 та олтин медаль олишга муваффақ бўлди. Бу юксак мукофотларни «Алиатика», «Ўзбекистон» маркали ва бошқа виноларга берилди.

Ўзбек винолари маркаларига ҳозир 63 та медаль тасвири туширилди. Булар халқаро конкурсларда, виставкалар ва ярмаркаларда қўлга киритилган бўлиб, уларнинг 34 таси олтиндан, 27 таси кумушдан ва иккитаси бронзадан ясалган.

НАМАНГАН ДАФТАРИДАН

Гуллар, гуллар, нуқул атр гул,
Ҳовлиларда, кўчада, боғда.
Бу тарафга келмаган булбул
Турган ғапдир қолиши доғда.
Бу шаҳарда ёзилади хат
Яшнаб турган турфа гуллардан.
Гул бу ерда — севги, муҳаббат,
Бахш этилар чин кўнгиллардан,
Бу шаҳарда ҳар бир кишининг
Ўн беш тупдан бор атр гули1)
Бу — совғаси гулчи-ишчининг
Ва дўстларга очилган кўнгли.
Бунда гуллар сотилмас пулга
Гулдастани узатишади.
Дил риштасин ўрашиб гулга.
Меҳмонларни кузатишади.

* * *

Гулчи Опам билан икковлон
Атр гуллар бошин силаймиз,
Ёшлигимиз кечкан қадрдон —
Шу боғчадан недир излаймиз.
Айтинг Опа, сўзланг Опажон,
Ёдингизга нималар тушди?
Нега бирдан бундай ҳаяжон,
Хаёлингиз қайларга учди?
...Ток зангига арғамчи боғлаб.
Қилинарди бунда беланчак.
Она йиғлаб, бағрини доғлаб,
Алла айтар, кўз ёши — чак-чак.
Йиғлаганда жажжи синглимиз,
Эмизгиси — узум ғужуми.
Етим қолган эдик Сизу биз
Қийнар эди очлик ҳужуми,
Волидайи меҳрибонимиз,
Ўзи емай едирар эди.
Яримтайди топган нонимиз,
Ўзи киймай кийдирар эди.
Балки шуни ёдга олдингиз...
Бугун гулзор аро оралаб.
Хаёлларга бунча толдингиз,
Опа, менга гуллар саралаб.

* * *

Дилда ишқинг шавқиму ёки баҳор туйғусиму,
Тунда нур сочган қамарму ё юзинг ёғдусиму?
Офтобми бу жаҳонни шунчалар этган гўзал,
Ёки бир инсон қизин хуш орази-кўзгусиму?
Созими, овозими ё сўзлаган дилрозими,
Боғаро келган қўшиқ ё қумрилар ҳу-ҳусиму?
Гулми у, раъноми у, жон олғучи Лайломи у,
Ғунчаларни лаб очирган бир санам кулгусиму?
Жўш уриб яйрар дилим номин нуқул айтар тилим,
Э кўнгил, тошқинми бу ёки висол орзусиму?
Сен қуёш янглиғ чиқиб дил мулкига Нурингни соч,
Бу улуғ айём ахир, келгусиму, келгусиму?

Ҳамид НУРИЙ.

---

1) Қарийб 160 минг аҳолиси бор Наманганда ҳар кишига ўрта ҳисобда 15 тупдан атр гул тўғри келар экан.

МУАЗЗИН КЎЧДИ

ҲАЖВИЯ

ШАЙХАНТОҲУР даҳа зилзилага дош беролмади. Кўплар қатори Олим Сўфининг ҳам кўча муйилишидаги отасидан қолган ҳовлиси путурдан кетди. Исполкомдан келганлар уйни яроқсиз топиб Дўмбрободдан секция берадиган бўлишди.

Аввалига сўфи тоза тихирлик қилиб кўрди. «Отамнинг ўлиги шу уйдан чиққан, бу ҳовлидан мени трактор билан ҳам, айрипилон билан ҳам кўчиролмайсизлар!» — деб оёғини тираб олди.

— Ахир, дада, тушунинг, Дўмбрободдан бераётган жойлари ёмон эмас,— деди институтда ўқиётган кенжа ўғли Номоз.

— Отаси, кўпам ўжарлик қилаверманг, ахир, ҳамма нима бўлса биз ҳам шу. Тунов куни қўшнимиз Тожинисанинг уйига бориб оғзим очилиб қолди. Вода бир ёқда, газ бир ёқда. Кўк жўмракни бурасанг совуқ, қизил жўмракни бурасанг иссиқ сув. Нах чинни ҳовузи ҳам бор ичида, ўргулай.

Атрофдаги уйлар текисланиб. Сўфининг уйига экскаватор тумшуқ тиради. Лекин чол бўш келмас, кечгача чиллахонадан кўчага очиладиган туйнук орқали сузма қурт, қовурилган писта, сақич «Беломор канал», «Прима», хўроз қанд, сотиб ўтирар, атрофидаги дўконлар ёпилгач, енг учида арақ ҳам пулларди.

Рамазон қорининг ташқарисидаги «жомеъ» бузилди-ю, Сўфи кўчишга рози бўлди.

— Майли,— деди у хотинига,— беш вақт номозни томда ҳам ўқийвераман, воллоҳуаълам, кўчамиз.

Кўчиш маросимида Сўфиси тушмагур росаям ҳунар кўрсатди. Машинага ортиш учун ажратилган кўч орасида ситилиб кетган эски ғалвир, ўғир даста, чўян обдаста, примус, қирқинчи керосин лампа, яна аллақанча қақир-қуқурлар бор эди.

Машина олиб келган кенжа ўғил бу лаш-лушларни кўриб, ханг-манг бўлиб қолди.

— Дада,— деди у жеркиброқ,— нима қиласиз буларни? Ўғир дастага бало борми?

— Керакли тошнинг оғири йўқ, воллоҳуаълам,— деди чол соқолини тутамлаб силар экан.— Кўчлар бориб қолсин-чи, кейин кўрармиз.

Ҳаммаси майли-ку, кўч орасида ярим қоғоз қоп сақични кўрган Номознинг жони ҳалқумига келди:

— Сақични нега олдингиз, ахир, Чилонзордаги қурилишларда тонналаб ётибди-ку, бу савил.

— У ерда сақич чайнашмайдими?

— Писта ҳам чақишмайди!

Боққолчилик барҳам ейишини сезган муаззин, кўчмайман, деб яна хархаша қилмоқчи эди-ю, бироқ юк машинада.Ноилож кабинага кирди.

Ордер бешинчи қаватга экан.

— Илгарироқ кўчганимизда биринчи, иккинчи қаватдан жой бор эди,— деб қўйди Номоз дадасининг айниб қолишидан қўрқиб.

Сўфи балконга чиқиб атрофга разм солди. «Зап азон айтадиган жой эканми,— хаёлидан ўтказди у.— Етти маҳалла товушингни эшитади-я, воллоҳуаълам».

Кампир ўғли билан ҳали балконга ўтиб атрофга боқишади, ҳали ваннахоналарга кириб-чиқишади. Бинойидек уй.

Ҳа демай қош ҳам қорая бошлади. Номоз электр ёқмоқчи бўлиб тугмачани босган эди, лампочка ёнмади. «Бугун свет йўқ экан-да, энди керосин лампа ёқишга тўғри келади, чол олдида изза бўладиган бўлдим, тоза».— деди-да, қирқинчи лампани ёқди.

— Ҳа, айтмадимми, болам, ҳамма нарса ўз жойида керак бўлади деб,— истеҳзо қилди Олим Сўфи.

Сўфининг гаплари тўғри чиқиб денг, примус ҳам, обдаста ҳам иш бериб, қолди. Электр эртасига ёнди-ю, бироқ газ билан сув ҳа деганда келавермади.

Номоз институтдан келаётиб. уйнинг муйилишида мол ёйиб ўтирган отасини кўриб, тепа сочи тикка бўлди. Эски ҳовлидан олиб келинган сандал устига газета ёзиб, кўк пиёз, редиска, арзон папирос сотиб ўтирар эди отаси.

— Бу яна қанақа шармандалик, дада? Ерга киргизиб юбордингиз-ку, одамни,— бўғилиб бақирди Номоз. Инингиз ҳозир атторчилигингизни.

Атрофга йиғилганлар Номозни милиция ходими фаҳмлаб, ўртага олишди.

— Бўлмаса, дўкон очиб қўйинглар. Бир боғ пиёз ёки укроп деб эски шаҳарга тушамизми? Ота, йиғиштирманг, иложи бўлса эртага янги газеталар ҳам олиб келиб сотинг. Киоска ҳам йўқ бу ерда,— дейишди тўпланганлар.

Сўфи бир ўғлига, бир одамларга қараб:

— Савоблик учун қиляпман бу ишларни, воллоҳуаълам, ҳеч айби йўқ. Ҳожат чиқармоқ уятми, ўғлим! — деди.

— Бу спекуляция ота! бўғилди кенжа ўғил.

Шу кундан бошлаб чол боққолчиликни ҳам йиғиштирди. Зерикканидан ҳеч ерга сиғмас эди.

«Шунча уйларни қурибди-ю, бирорта чойхона очмаганларига хайронман бу ерларга.— деди уйда ўтириб зериккан чол.— Кексалар гурунглашиб ўтирардик».

Кунларнинг бирида сўфи одати бўйича каллаи саҳарлаб тургач, балконга чиқди. Тонг чоғи. Айни ширин уйқу маҳали. Олим сўфи ўзининг овозини бир синамоқчи бўлиб:

— Оллоҳу акбар, оллоҳу акбар... — деб қичқириб юборса бўладими.

Орадан уч-тўрт дақиқа ўтар-ўтмас сарпойчанг, чала-ярим кийинган кишилар, челак кўтариб ҳовлига чиқиб қолишди.

— Где машина?

— Откуда сигналили? — ажабланишарди ҳовлидаги одамлар.

Бу аҳволни кузатиб турган Рузвон кампир чолнинг енгидан ушлаб ичкарига тортар экан «жинни бўлибсиз» деб қўйди.

Сўфиси тушмагурнинг овозини эшитиб қўшнилар, ахлат машина келди, деб ўйлашган экан. Бу воқеа Дўмрободда анча кунгача кишилар оғзидан тушмади.

Агар Олим Сўфини Самарқанддаги катта ўғли олиб кетмаганида борми, яна қанча ажойиботлар рўй берарди Дўмрободда.

Шуҳрат ҚОСИМОВ.

Маҳаллада пенсионерлар совети

Кечки пайт Киров район Янгиариқ маҳалла Қизил чойхонаси пенсионерлар билан лиқ тўлди. Кексалар йиғилишига келган Киров район социал таъминот бўлимининг мудири ўртоқ С. Г. Финкельштейн пенсияга чиқиш ҳужжатларини расмийлаштириш ва пенсионерларнинг ҳуқуқлари ҳақида лекция ўқиди.

Шу йиғилишда маҳалладаги пенсионерлар Советининг раиси Мамадали ота Азимов унинг 2 йиллик иши ҳақида ҳисобот берди. Совет аъзоси Сафар ота Шарипов зилзиладан зарар кўрганларга юз минг сўмдан ошиқроқ ёрдам пули ва кўпгина қурилиш материаллари олиб берилгани, 50 дан ортиқ пенсионерлар ўтин-кўмир билан таъминлангани, ўнлаб пенсионерлар дам олиш уйларида бўлганлари каби фактларни келтирди. Пенсионер отахонлар маҳалла кўчаларига мевали дарахт ва гул кўчатлари экиб обод қилишди, ариқларни тозалаш, кўприкларни тузатишда қатнашишди.

Маҳалла пенсионерлар Советининг 2 йиллик иш фаолияти қониқарли, деб топилди ва советнинг янги составн сайланди.

Совет аъзолари маҳаллани янада обод қилиш, ёш авлодга тарбия беришда актив қатнашиш каби вазифаларни ўз зиммаларига олиб, зўр ғайрат билан ишга киришдилар.

УЖГОРОДДА КОСМИК КОНФЕРЕНЦИЯ

Халқаро ҳамкорлик комиссиясининг Закарпатиядаги Ужгород шаҳрида бўлиб ўтган уч кунлик мажлиси ҳозирги замон фанининг «Ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида илмий текшириш» деган муҳим масалага бағишлаб ўтказилди. Мажлис қатнашчилари орасида Совет Иттифоқи, Венгрия, Чехословакия, Польша, ГДР, Болгария ва Мўғилистоннинг кўзга кўринган астрономлари, математиклари, химиклари, биологлари бор эди.

Йўлдошлар ёрдами билан Ер атрофидаги бўшлиқни текшириш шу вақтгача социалистик мамлакатлар фанлар академияларининг биргаликдаги ҳаракати билан икки йўналишда олиб борилди. Бир хил олимлар йўлдошлар кузатишини мураккаб геофизик масалаларни — атмосферанинг зичлигини ва бу зичликнинг қуёшда бўладиган процессларга қараб турли баландликларда ўзгаришини текширишда фойдаландилар .Иккинчи, бир хил олимлар эса йўлдошлар олган аниқ фото кузатишларни «Ер қиёфаси»ни ўрганишда фойдаландилар. Кейинги вақтларда илмий ишларнинг анча самарали бўлган учинчи йўналиши — сунъий йўлдошларнинг айланишидаги қонуният ҳақида хулоса чиқариш имконини беражак. Ужгороддаги кенгаш йўл-йўлакай бошқа бир қатор масалаларни муҳокама қилиш билан бир қаторда асосан ана шу масалага бағишланди.

Хўш ,етти мамлакат олимлари ўз кенгашларини ўтказиш учун нега Ужгород шаҳрини танладилар экан? Бу саволга халқаро ҳамкорлик комиссиясининг раҳбари, СССР Фанлар Академияси астрономия Совети раисининг ўринбосари, физика-математика фанлари доктори Алла Генриховна Масевич жавоб берди:

— Закарпатия олимларининг,— деди у,— Ернинг сунъий йўлдошларини кузатиш соҳасида қилган хизматлари озмунча эмас. Ужгороддаги сунъий жинсларни кузатиш станцияси бу йил ўзининг ўн йиллигини нишонлади. Бу станция мамлакатимизнинг фан соҳасидаги етакчи марказларидан бири ҳисобланади. Станция ходимлари катта фойдали ишларни қилдилар. Кузатишларнинг натижалари ватан фанини анча бойитди.

Кенгаш қатнашчилари станциянинг илмий базаси, тўпланган материаллар билан батафсил танишдилар ва уларга юксак баҳо бердилар.

(АПН).

Пойтахтимиз меҳмонлари

Свердлов номли концерт залида бир группа француз қўшиқчилари ва пантомимо санъати усталарининг гастроллари бошланди. Француз санъат усталарининг гастроли пойтахтимиз томошабинлари томонидан илиқ кутиб олинди.

Суратларда: машҳур француз пантомимочиси Прадель «уруш оловини ёқувчи диктатор» ва «штангачи» пантомимо номерларини ижро этмоқда. Трио «Орас» — артистлар Франсуа Парро, Мишель Орфелен ва Клод де ла Кафиньер «Сен учун қўшиқ» ашуласини айтаётирлар.

М. Нуриддинов фотолари.

„ВОЛГА" ЎҒРИСИ

Ҳодиса

Кўзлари олазарак бир киши кўплар қатори Революция скверида юрарди. Бир нарса қидиргандай, тез-тез ўнгга ва чапга қарайди. У «Буратино» кафеси ёнига келиб, яна уёқ-буёққа аланглади. Ниҳоят ўзини босиб олгач, секин 25—61 ТНА номерли «Волга» такси машинасининг эшигини очди. Машина бир сакраб ўрнидан қўзғалдида, қуюқ тутун чиқариб жўнаб кетди.

Буни кузатиб тургайлар «шофёр шошилаётган бўлса керак», деб қўйдилар холос. 2-автокомбинат шофёри кафедан чиқиб, машинасини қўйган ерга келди. Машина йўқ. У узоқ ўйлаб ўтирмай машина ўғирланганлигини милиция ходимига билдирди. Бу хабар тезда телефон орқали давлат автоинспекциясининг ҳамма жойларига хабар қилинди. Орадан икки соат ўтмаёқ, «Волга» ўғриси Оҳангарон милиция ходимлари томонидан қўлга туширилди.

Ўғри қўлга тушганда милиция ходимларига бир паст пўписа ҳам қилди.

Маълум бўлишича «Волга» ўғриси Советская кўчасидаги 12-уйда яшовчи текинхўр Владимир Никондирович Вертиков экан. Яқинда «Волга» ўғриси бу қилмиши учун Куйбишев район халқ суди олдида жавоб беради. Энди у инсоний қиёфасини оқлайдиган жойга юборилса керак.

Р. ХЎЖАМОВ.

Қорақалпоғистон АССРдаги Шевченко номли давлат Педагогика институтини ҳар йили 300 дан ортиқ йигит-қиз битириб чиқади. Ёш педагоглар қадрдон қишлоқларига бориб, мактабларда дарс берадилар. Ҳозир улар учун энг қизғин давр бўлиб имтиҳон топширишга ва диплом ишлари ёқлашга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Суратда: физика-математика факультети V курс студентлари Ойпошша Орзуева ва Тўхтагул Муханова имтиҳонга тайёрланишяпти.

А. Ходаков фотоси. (ЎзТАГ).

Спорт

САМО ЛОЧИНИ

Абдулла ДОСААФ республика комитетининг аэроспорт клубига келганида бошлиқ хонасига ийманибгина кирди.

— Хуш, келинг,— синовчан назар ташлади бошлиқ.

— Парашютчи спортчи бўлмоқчи эдим, ёзилгани келдим.

— Ҳали жуда ёш кўринасиз-ку.

— 17 га кирдим.

Абдулла ўзини 15 га эмас 17 ёшга кирганини, кейин парашют спортини жон-дилидан яхши кўришини тўлиб-тўлиб гапириб берди. Абдулла қанчалик ишонч билан гапирган сари унинг кўзларида шуъла ёнарди. Клуб бошлиғи унга зимдан тикиларкан, — менга айниқса ишонч билан айтган гапларинг ёқди. Агар медицина комиссияси рухсат берса, сени клубимизга аъзо қилиб оламиз, — деди.

Бу воқеа бўлганига ҳам мана, анча вақт ўтиб кетди. У парашют спорти билан шуғулланар экан, ўз устида жуда кўп ишлади. Само қўйнидан ерга сакраганингда бошинг узра ипак тўрнинг ҳилпираши кўнгилга қандайдир бир ҳузур бахш этади. Инструктор Охватов Абдулла қатори бошқа ўсмирлардан ҳам парашютчи бўлиш учун ниҳоятда дадил ва жасур бўлиш керак эканлигини талаб қиларди.

Абдулла тренировка машғулотларининг биринчи босқичини анча кўнгилдагидек тугатди. Аввал ўқув программалари учун мосланган самолётда машғулотлар ўтказди. Ана шу машғулотлар пайтида спортчи бирон хатога йўл қўйса, яъни кабинага ўтириб, уни бошқариш вақтида инструктор талабига жавоб бермаса, Охватовнинг жаҳли чиқиб кетар эди. Ахир қанотли спортчи ерда туриб ҳам хато қилиши мумкинми! Агар самода хато қилса-чи? Унда нима бўлади!

Биринчи сакраш муддати белгиланган кун ҳам жуда имиллаб келаётгандек туюларди Абдулла назарида. Ниҳоят у «АН—2» самолётида осмонга кўтарилди. Учувчи 800 метр баландликка [illegible] гандан сўнг газни ўчирди. Шундан кейин у:

— Ташланглар! — деб буйруқ берди.

Мана шу сўзни эшитиш учун спортчилар қанчалик орзиққан эдилар. Абдулла шу сўзни эшитди-ю, кўнгли увишиб кетди. Самолёт қанотида туриб, ерга разм солиш ниҳоятда қўрқинчли экан. Шамол ён берингдан савалаб ўтади. Абдулла олдинга қадам ташлади. У пастга тош сингари учиб келаётган бў... ҳам, бу унинг спорт чўққилари сари ташлаган биринчи қадами эди.

... Самодаги илк дадил қадам, ўз устида тинмай ишлаш, тренировка машғулотларини ўз вақтида ўтказиш Абдулланинг спорт маҳоратини ўсишида катта бир босқич ролини ўтади. Унинг кўксида биринчи разряд значоги порлар эди. У яна бир ғалабани қўлга киритади. Абдулла Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Кейинги йилларда Абдулла Фасхуддинов қайси бир мусобақада иштирок этмасин, кетма-кет ғалабалар унга кулиб боқа бошлади. У энг мураккаб ҳисобланган, группа бўлиб сакраш бўйича жаҳон рекордчиси бўлиб танилди.

Ҳозирги кунда энг кучли парашютчи спортчи бўлиб республикамизда танилган Абдулла Фасхуддинов само қўйнидан ерга мингдан ортиқ сакраган. У ДОСААФ республика клубида кўпгина разрядли спортчиларни тарбиялаб воята етказди.

ИККИНЧИ ЎРИН ҚАНОАТЛАНАРЛИМИ?

«Старт» стадионининг волейбол майдончасида аёллар терма командаларининг матч учрашувлари беш кун давом этди. Латвия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон аёллар терма командаларининг матч учрашувлари ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди.

Юқоридаги бешта терма командадан ташқари Ўзбекистон қизлар терма командаси ҳам конкурсдан ташқари мусобақаларда иштирок этди.

Ёш волейболчи қизлар 3:0 ҳисобида мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам, улар ўз устозларидан кўп нарсани ўргандилар.

Ёш волейболчиларнинг бу учрашувлари Ленинградда мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ спартакиадасида қатнашишларида катта мактаб ролини ўтади.

Биринчи ўрин тақдири Ўзбекистон ва Латвия терма командаларининг охирги куни учрашувида ҳал бўлди. Бу учрашув бошқа ўйинларга нисбатан ўзининг драматик ва кескин характери билан ажралиб турди. Икки республика волейболчиларининг учрашуви икки соатдан кўп давом этди. Ўзбекистон ва Латвия волейболчи қизлари финал учрашувга турли имкониятлар билан келган эдилар. Латиш волейболчилари уч учрашувда биронта ҳам мағлубиятга учрамаган бўлсалар, ўзбек спортчилари эса Қозоғистон терма командасига ютқазиб қўйган эдилар. Ўзбекистон терма командаси биринчи ўринни эгаллаши учун латвияликларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишлари лозим эди. Бизнинг волейболчилар ўз олдиларига қўйган вазифани мукаммал амалга оширолмаган бўлсалар ҳам, 3:2 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Учрашувнинг биринчи партиясида республикамиз волейболчи қизлари кетма-кет очколарни қўлга кирита бориб, рақибларини бироз эсанкиратиб қўйдилар. Улар 14 очко йиғган бўлсалар, латиш волейболчи қизлари эса 9 очко жамғарган эдилар, холос. Биринчи партияда ўзбек спортчилари ғолиб чиқишлари учун бир қадам қолган эди. Учрашувнинг биринчи дақиқаларида юксак кўтаринки руҳ билан ўйинни бошлаган ўзбек волейболчилари кейинчалик суръатни бўшаштириб юбордилар. Бундан фойдаланган латиш қизлари ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўладилар. 16:14 ҳисобида ғолиб чиқдилар.

Иккинчи партиядаги ўйин бунинг акси бўлди. Бунда латиш қизлари ғолиб чиқаётган бўлсалар ҳам, ўйиннинг охиригача ютуқни ўз қўлларида сақлаб қололмадилар. Ўйин ниҳоясига етганда 16:14 ҳисоби ўзбек спортчилари фойдасига қайд этилди.

Учрашувнинг учинчи партиясида латиш қизлари 15:7, бешинчи партияда эса республикамиз волейболчилари 15:1 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Охирги учрашувда латиш мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам, улар биринчи ўринни қўлга киритиб, матч учрашувлари мукофотини Латвияга олиб кетишга муваффақ бўлдилар. Иккинчи ўринни Ўзбекистон спортчилари, учинчи ўринни эса Қозоғистон вакиллари эгалладилар.

Матч учрашувларида энг яхши ўйин кўрсатган ўйинчи учун таъсис этилган мукофотни республикамиз терма командасининг капитани Д. Скобелева қўлга киритди.

Республикамиз волейболчилари терма командаси СССР халқлари IV юбилей спартакиадаси олдидан сўнгги тайёргарлик синовини ўтади. Спартакиадада ҳамма командалар ҳам мукофотли ўринларни эгаллаш учун бор имкониятларини ишга соладилар.

Спорт

БИЛДИРИШ

7 июнь эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг мажлислар залида (Гоголь кўчаси 70-уй) Тошкент шаҳар ўрта мактаблари, техникумлар ва бошқа ўқув юртлари физика ўқитувчиларининг 1-шаҳар конференцияси бўлади.

Конференция Совет ҳокимияти йилларида физика фанининг ривожланиши ва физик методларининг Ўзбекистон фани ва саноатида қўлланилиши деган темада ўтказилади.

Редактор ўринбосари Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Радио

5 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.10 Г. Сабитов. Симфоник оркестр учун сюита.

18.30 Ўзбекистон санъат усталарининг концерти.

19.20 «Хайтарма» ансамбли солистларининг концерти (татарча).

20.00 «Қишлоқ коммунистлари ҳақида ҳикоялар» циклидан (русча).

20.10 «Электрон» чолғу ансамбли меҳмонимиз. Талабларга мувофик.

20.45 «Андижон сув омбори қурилишида» деган эшиттириш (ўзбекча).

21.25 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.

22.00 «Дунё воқеалари» (ўзбекча).

22.10 Дам олиш концерти.

22.40 Р. Иноғомовнинг «Қардош халқлар адабиёти равнақи» деган суҳбати (ўзбекча).

23.20 Лирика кечаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Василенконинг «Оқ билак» балети ҳақида суҳбатли концерт.

19.30 С. Мусаҳўжаевнинг «Қулоқсиз» ва А. Лесняковнинг «Молочная дарёси соҳилида» деган ҳикоялари (русча).

20.10 «ДУГОҲ» мақоми.

20.45 Академик Убай Орипович Ориповнинг «Халқ хўжалиги ва электроника» деган суҳбати (русча).

21.00 Ойбекнинг янги «УЛУҒ ЙЎЛ» романидан парча (тожикча).

21.20 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. Такрорий эшиттириш.

Телевидение

5 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

Рус тилида:

18.00 Телевизион янгиликлар.

18.15 Болалар учун. «Юмронқозик ва машина» деган мультфильм.

18.35 «Октябрь» программаси. «Қутқазилган ёшлик». (Иккинчи эшиттириш).

18.55 Ярим аср йилномаси. Бадиий ўқиш бўйича республика конкурси ғолибларининг чиқиши.

19.35 «Дўстлик йўллари». Ҳужжатли фильм.

20.05 «Қаерда ўқиш керак». Реклама.

Ўзбек тилида:

20.15 Телевизион янгиликлар.

20.30 «Одоблини эл севар».

20.55 Сабзавоткорлар учун «Ноз-неъмат бунёдкори» деган эшиттириш.

21.30 Шоир туғилган куннинг 525 йиллиги олдидан. Телевизион театр. «Навоий Астрободда».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)

Ўзбек тилида:

18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Химия. «Анорганик моддалар классификацияси».

18.35 Математика. «Содда иррационал тенгламалар».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Эфирда «Молодость». «Кўмир конида». Донецк шаҳридан олиб кўрсатилади.

20.30 Москвада Арманистон ССР ҳафталиги. «Арманистонда фан».

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.10 Озарбайжон ёзувчиси Д. Мамедқулизоданинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати билан эшиттириш.

21.35 «Жасорат». Телевизион алманах. Ростов шаҳридан олиб кўрсатилади.

22.15 Г. Савельев оперettаси асосида ишланган телевизион музикали спектакль премьераси. Ленинград шаҳридан олиб кўрсатилади.

23.30 Телевизион янгиликлар.

24.00 Москвадан олиб кўрсатиладиган эшиттиришларнинг охири.

6 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

(3-канал)

Ўзбек тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси

18.00 Болалар учун. «Пионерлар уйида» деган эшиттириш.

Рус тилида:

19.00 Телевизион янгиликлар.

19.15 Қурувчилар учун «Чўлни забт этаётганлар» деган эшиттириш.

19.35 «ТОШ ЮРАКЛИ КИШИНИНГ ЎҒИЛЛАРИ». Бадиий фильмнинг биринчи серияси.

20.55 Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида:

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.15 М. Шамхолов. «ҚАЙНАНА». Музикали драма (кўп сонли телетомошабинларнинг талабларига мувофиқ).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

(5-канал)

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Химия. «Анорганик моддалар классификацияси».

19.10 Физика. «Айланма ҳаракат».

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.45 Москвада Арманистон ССР ҳафталиги. Арманистон ССР қишлоқ хўжалиги ходимлари билан учрашув.

20.20 Интервидение. Белоруссия опера ва балет театрининг солисти В. Чернобаев куйлайди. Минск шаҳридан олиб кўрсатилади.

21.00 Телевизион янгиликлар.

21.20 «В. В. Куйбишев — партия фарзанди». Туғилган кунининг 79 йиллигига бағишланган эшиттириш.

22.00 Москвада Арманистон ССР ҳафталиги. Якунловчи кеча. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

00.30 Москвадан олиб кўрсатиладиган эшиттиришларнинг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

(9-канал)

17.00 ОЛМАОТА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ЭШИТТИРИШЛАРИ.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

19.00 Эшиттиришлар программаси.

19.05 ЎЗБЕКИСТОН XIV СПАРТАКИАДАСИ.

20.00 Телевизион янгиликлар.

20.10 «Замондошимиз» Телеочерк.

20.25 «МЕКОНГ ЎТ ИЧИДА». Кинофильм.

Рус тилида:

20.45 «Прага интермеццоси». Концерт.

21.30 Телевизион янгиликлар.

21.40 Д. Голсуорси. «Жунгли». Телеспектакль.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/VI да **Қотил.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/VI да **Тошболта ошиқ.**

Кинотеатрларда

5 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Спартак — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун), «ЧАЙКА» (кеч соат 9 да).

Ўлдиришни истамаган эди — «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Кавказ асираси (кеч соат 6 да), **«С» шаҳрида** (кечқурун) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Кундузги сеансга иккита билет — СОБИР РАҲИМОВ номли (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Ўлдиришни истамаган эди — «ФЕСТИВАЛЬ».

Кундузги сеансга иккита билет — КАФАНОВ номли, «ВАТАН».

«С» шаҳрида — «ХИВА».

Уч бақалоқ — «УДАРНИК».

Бригададаги афсунгар — ТЕЛЬМАН номли.

«СОЮЗТЕЛЕФОНСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Тошкент шаҳрида ва Ўрта Осиё шаҳарларида ишлаш учун **алоқа монтёрлари** (қалайловчилар, тармоқчилар), **автокран ва Э-153 ва ЭТН-124 экскаваторлари машинистлари, секретарь-машинистка, моддий бўлим бухгалтери, экспедитор, нормаловчилар, табелчи, 4-5 разрядли автослесарлар, ер қазувчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, шоферлар** (юк автомашиналарига)

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 84, Энгельс кўчаси, 8-АТС қошида (2-трамвай, 9-автобуснинг «Геологоразведка» остановкаси). телефон Б-8-16-16. Гараж адреси — Куйбишев шоссеси, 15-уй.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5, 6 июнда

Ўзбекистон давлат филармониясининг солисткаси

Олмахон Ҳайитова

иштирокида

ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ *КОНЦЕРТИ*

Концертда **Раъно Жуманиёзова, Шариф Султонов, Отабой Ҳасанов, Отаназар Абдалниёзов, Ражаб Исмоилов** ва бошқалар қатнашади.

Касса кундуз соат 2 дан очиқ.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

10, 11 июнда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Абдулла Қаҳҳор

Ҳамза мукофоти лауреати.

АЯЖОНЛАРИМ

3 пардали комедия

Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Абдулла Тўқай мукофоти лауреати **Т. Хўжаев.**

Рассом — **М. Эшонхўжаев.**

Спектакль кеч соат 8 да бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Касса эрталаб соат 10 дан очиқ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 9-ҲУНАР-ТЕХНИКА ПОЛИГРАФ БИЛИМ ЮРТИ

1967/68 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти **линотипчилар, ҳарф терувчилар, печатниклар, муқовачилар** тайёрлайди.

15-16 ёшдаги 8-синф ҳажмида маълумоти бўлган ёшлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини тамомлагандан сўнг етуклик аттестати берилади.

Қабул қилинганлар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес. Тошкент шаҳар, Чилонзор райони Нурхон кўчаси. 21-уй (7, 9, 10-троллейбуслар, 3, 6. 24, 23 27, 53-автобусларнинг «Волгоградская» остановкаси). Телефонлар Ж-7-10-56; Ж-7-10-33.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР:

1967 йил 16 июнь эрталаб соат 10 да, Тошкент политехника институти геологоразведка ва тоғ металлургияси факультетларининг илмий совет мажлисида (Гоголь кўчаси, 68-уй) геология-минерология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Р. А. Ҳамидов «Ғарбий Ўзбекистон кварц-қуми конларининг геологияси, моддавий-минерологик таркиби ва жойланиш қонуниятлари» деган темада.

Е. И. Сургутанов «Геологик масалаларнинг ечишда геофизик методларни қўллаш тажрибаси» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин. (Навоий кўчаси, 13-уй).

• • •

1967 йил 16 июнь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг илмий совет мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй. катта конференц-зал фойеси). филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

Н. Ғаниxўжаева «Алишер Навоий — ҳикоянавис» («Ҳамса» материаллари асосида) деган темада.

А. Мўминова «Ўзбек халқ эртакларида хотин-қизлар образи (реализм ва романтизм тенденциялари аспектида)» деган темада.

Диссертациялар билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқай кўчаси, 1-уй).

1-АВТОПАРК қошида 2 класс шофёрлари учун икки ойлик КУРС ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Икки йил иш стажига эга бўлган 3 класс шофёрлари ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда қабул қилинадилар.

Қабул қилинганларга стипендия тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеси, 50-уй, кадрлар бўлими. Телефон В-6-13-07.

■ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ■

Тошкент оқшоми 4бет

БИЗНИНГ АДРЕС:
Тошкент шаҳар.
Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — В3-02-49 дан В3-02-58гача, редактор ўринбосарлари — В3-29-33, В3-29-09; масъул секретарлар — В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари — В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — коммутатор орқали 7-81; адабиёт, санъат ва маданият бўлими — В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — В3-27-57; ахборот бўлими — В3-65-57; эълонлар бўлими — В3-81-42.

5 ИЮНЬ, 1967 Й. Р. 06366. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 2923.